



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan • www.uzas.uz • 2009-yil, 18-dekabr • № 51 (4034)

Сайлов — 2009

## ЖИДДИЙ ИМТИХОН

Мамлакат парламенти ва маҳаллий кенгашларга бўладиган сайловлар тайёргарлиги бугун қизгин паллага кирди. Сайловчиларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар билан учрашувлари ғоят қизиқарли ўтмоқда. Сийсий партиялар вакилларининг телечиқишлари аввалгилардан жиддий фарқ қилади. Матбуотда ҳар бир партиянинг сайловолди дастури эълон қилинди.

Давлатимиз раҳбари "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройидаги маърузасида сайлов мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсон учун муҳим синов, жиддий имтиҳон эканини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бу имтиҳон, давлатимиз раҳбарининг фикрича, биринчи навбатда, сўз эркинлиги ва танлаш эркинлигининг ҳаётимиздаги тасдиғини намойён этади, иккинчидан, бу жараён юртимизнинг сийсий ҳаётидаги кўппартиявийлик тизимининг тобора мустақамлашиб бораётганини, ҳар қайси партия ўз дастури, ўз мақсад-муддаolari билан кураш майдонига чиқаётганини, учинчидан, бўлажак сайловларда барча сийсий партиялар учун тенг имконият ва шароит яратиб берилганини ва, ниҳоят, мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий-сийсий савияси ва маданияти, фуқаролик онги нечоғли ошганини кўрсатади.

Марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аралашшига ҳаққи йўқлиги сайлов қонунчилигида ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаб кўйилди. Бундай ҳолатларга йўл қўйган шахсларга қонун талаблари асосида чора кўрилади.

Эътиборга молик ҳолатлар фақат шулардангина иборат эмас. Сайлов қонунчилигига киритилган қатор ўзгаришларга кўра, сийсий партияларга қўшимча ҳуқуқ ва ваколатлар берилди, уларнинг ишончли вакиллари сони ошди. Бўлажак сайловларда фуқаролар иштирокининг кўламини янада кенгайтириш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўринларининг сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди. Шу ҳисобдан, атроф-муҳитни асраш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон экологик ҳаракатида парламентда 15 та ўрин ажратилди.

Дастлабки кузатувлар асосида бир неча ҳулосаларга келиш мумкин. Энг аввало, депутатликка номзодларнинг ёши, касби, ижтимоий-сийсий фаолияти, сайловолди дастурлари диққатни тортади. Ишонч билан айтиш мумкин, мамлакатимизда дунёқараши мустақиллик шароитида шаклланган, замонавий билимларни чўқур эгаллаган, ўз соҳасида малакали, олий тоифали етук мутахассис даражасига кўтарилган, халқаро тажрибалардан бохабар, бир неча тилларда бйрон сўзлаша оладиган, миллият тақдирини ва тараққиётини билан боғлиқ энг масъулиятли вазифаларни ҳам зиммаларига олишга қодир бўлган янги ёш авлод воғга етмоқда. Бу — истиқлолимизнинг, бутун халқимизнинг энг катта ютуғи, давлатимиз раҳбарининг ёшларга бўлган чексиз эътибори самарасидир.

Давоми иккинчи саҳифада.



Қиш жозибаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамят қурилиши академиясида мамлакатимиз халқ таълими соҳаси мутахассислари — вазирлик бошқармалари бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, халқ таълими вилоят бошқармаларининг раҳбарлари, педагогика йўналишидаги олий ўқув юртли раекторлари, ўрта мактабларнинг тил ва адабиёт ўқитувчилари қисқа муддатли малака ошириш курсида тахсил олмоқдалар.

Қуни кеча уларнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тасарруфидаги адабий-бадиий нашрларнинг бош муҳаррирлари, шоир ва ёзувчилар билан қизиқарли учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият — энгилмас куч", "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" китобларида, мамлакат Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида баён этилган фикр-мулоҳазалар, миллий адабиётимизни янада ривожлантириш, янги баркамол авлодни тарбиялашга доир курсатмалари асосида ижодий уюшма ҳамда таълим-тарбия соҳаси ходимлари олдига турган бугунги муҳим вазифалар, ижодкорлар ва мураб-

бийларнинг янги авлодни ҳар жиҳатдан қомил инсонлар қилиб тарбиялашдаги масъулияти хусусида сўз борди.

Академия раҳбари қиёмиддин Назаров, Халқ таълими вазирининг ўринбосари Абдуғани Холбеков, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон халқ шои-

## БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ

ри Сирождиддин Саййид, ижодий уюшма Тошкент вилоятининг масъул котиби, халқ шоири Маҳмуд Тоир, "Жаҳон адабиёти", "Шарқ юлдузи", "Ёшлик" журналлари, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бош муҳаррирлари Мирпўлат Мирзо, Улуғбек Ҳамдам, Собир Унар, Аҳмадjon Мелибоев, шоира Фариди Афруз, адабиётшунос олимлар Абдулла Аъзамов, Шўхрат Ризаев, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирининг Бегдулла Султонов, халқ таълими Наманган вилоят бошқармаси бошлиғи Дилшода Дадажонов ва бошқалар ўз сўзларида мамлакатимизда адабиёт, санъат, маънавият ва таълим-тарбия соҳалари ривожига алоҳида эътибор берилётгани, давлатимиз раҳбарининг қатор Фармонлари, нўқ ва маърузаларида бй борадаги долзарб вазифалар аниқ-равшан қўйлаётганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Ёш авлоднинг маънавий оламини шакллантиришда бадий асарларнинг аҳамияти ҳамма беқийс бўлган, шу жиҳатдан ҳам бй ишни жуда эрта, мактаб ёшидаёқ бошлаш яхши самара беради. Шу жиҳатдан қараганда, ижодкорлар, таниқли шоир ва ёзувчиларнинг жойлардаги, айниқса, олис қишлоқ мактабларидаги жонли учрашувлари, тажрибали муаллим ва мураббийлар билан мулоқотлари алоҳида аҳамият касб этади.

Учрашувда бундай мулоқотлари бундан буйи ҳам ўтказиб туришга, таълим-тарбия ишида истиқлол йилларида яратилган бадий оқсак асарлардан ҳамда адабий-бадиий нашрлардан унумли фойдаланишга келишиб олинди.

Нодир Жонузқ ўз тенгқурлари орасида анча кўзга кўриниб, ижоди бирмунча етилиб қолган шоир. У шеърининг, сўз масъулиятининг талаб-қоидаларини теран ҳис қилади. Унинг ақинида ўқувчилар кўлига етиб борган "Меҳрибоним" ("Шарқ" НМАК) китобини ўқиб ҳам шундай ҳулосага келиш мумкин.

Ёзувчилар уюшмасида ўтказилган маъруз китоб тақдимида шоирнинг ижодий қирралари, бадий сўз борасидаги изланишлари хусусида сўз борди. Унинг аввалги икки китобидан фарқли ўларок, бу галгиси шоирни миллий адабиётимизга муносиб вакил сифатида шакллантирган дарак беради.

Нодирнинг шеърларини ўқиб, устоз адиблар сафини шундай истеъдодли укаларимиз тўлдириб келаятиганидан хурсанд бўлдим. Адабиётга, хусусан, ёшлар адабиётига эътибор ортаётган бир пайт

### Ёзувчилар уюшмасида

да сўзни, ижодни чўқур тушунадиган, истеъдодли суистемъом қилмайдиган мана шундай талантлар бизга ниҳоятда зарур. — деди тақдирот маросимини олиб борган Ўзбекистон халқ шоири, уюшма раисининг ёш ижодкорлар билан ишлаш бўйича ўринбосари Иқбол Мирзо.

Таниқли адабиётшунослар Қўзқобой Йўлдошев ва Раҳмон Кўчқор шоир шеърларидаги лирик қаҳрамон руҳияти чизгилари, бадий образлилик, янги ташбеҳлар ва экспериментал уринишлар борасида жиддий мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбирда шоирлар Турсун Али, Абдунаби Бойқўзиёв, Воҳид Лукмон, Ориф Тўхташ, Азиз Анвар ҳамда кўплаб ёш шоирлар иштирок этиб, ушбу тўплам юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ўз ахборотимиз.

## ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ

Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси Хуршид Гадовев яқинда Қорақалпоғистон Республикаси Эллиқалъа туманида бўлиб ўтган Ўзбекистон халқ артисти Отажон Худойшукуров хотирасига бағишланган "Нафосат бўстони меним" VI республика

кўрик-фестивалида иштирок этиди. Мусиканинг фолклор, анъанавий, академик хонандлик ва эстрада йўналишлари бўйича 50 дан ортиқ истеъдод эгалари қатнашган бу анжуманда Хуршид Гадовев Ватанини мадҳ этувчи "Ватан тинч — биз тинч" қўшиғини ижро этиб, голибликни кўлга киритди.

Уз ижодий салоҳиятини Самарқанд давлат санъат коллежида ўқиб юрган йилларида намойён эта бошлаган Хуршид бир неча бор туман ва республика миқёсида ўтказилган танлов ҳамда фестивалларда қатнашди. Шу йил Президентимизнинг қарори билан ўтказилган "Ягонасан, муқаддас Ватан" республика кўрик-танловида фахрли II ўринга сазовор бўлди. Бугунги кунда Хуршиднинг ижро репертуарида турли даврларда яшаб ижод этган чет эл ва ўзбек композиторларининг асар-

лари бор. Унинг ҳар бир танлов дастурини ўзлаштириши шахсий ижро репертуарини бойитишида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Айни кунда унинг дастуридан В.Моцарт, Ж.Бизе, П.Чайковский каби жаҳоннинг машҳур композиторлари ва С.Юдаков, М.Бурхоннов, Н.Норўжаев каби ўзбек композиторларининг дурдона асарлари ўрин олган.

Хуршид Гадовевнинг ютуқларида шубҳасиз устозларнинг хизмати катта. Ўзбекистон давлат консерваториясида "Академик хонандлик" мутахассислиги бўйича Ўзбекистон халқ артисти, профессор Исмомил Жалилов синфида тахсил олиши, консерватория муҳити, кўплаб санъат даргаларининг ижролари Хуршиднинг хонанда сифатида шаклланишига катта таъсир кўрсатди. Еш истеъдоднинг Ватанини мадҳ этувчи қўшиқлари нафақат санъат аҳли, балки кенг омма орасида ҳам эътироф этилмоқда. Зеро, мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганларидек: "Энг гўзал ва дилбар қўшиқлар ҳам Ватан ҳақидаги қўшиқлардир." Хуршид эришаётган ютуқлар мамлакатимизда ёшлар ижодидаги кўрсатилган эътибор ва ғамхўрликнинг шарофатидир.

Нилуфар ХАСАНОВА



## МААНИЙ ҲАЁТ

Қорақалпоқ давлат университетида Бердақ номидаги Давлат муқофоти совриндори, Марҳум шоир Тўлепберген Матмуротов таваллутидан 70 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Тадбирда университет ректори А.Матқонов, филология фанлари номзодлари Б.Генжесмуротов, А.Дўсимбетова, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари, Ў.Абдурахмонов ва бошқалар шоир умри давомида яратган ўлмас шеърий мерос ҳақида маъруза қилдилар.

Таниқли шоир-ёзувчилардан У.Хўжаназаров, Ш.Уснатдинов, М.Қорабобоев, М.Қутлимуродова, шоирнинг рафиқаси О.Матмуротовалар ўз хотиралари билан ўртоқлашдилар.

Қорақалпоғистон давлат мусиқа театрида драматург Кенгесбой Раҳмоновнинг "Кувё" асари асосида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Жалғасбой Султабоев саҳналаштирган спектакл намойиш этилмоқда. Асосий ролларни Жангабой Утепбергенов, Бозорбой Назаримбетов, Қурбонбой Қаландаров ижро этганлар.

Ф.АБДУРАИМОВА

## УСТОЗЛАР ИБРАТИ

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» муносабати билан Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида «Фарҳридан қуйлаганда» республика адабий-муспқий санъат байрами ўтказилди.

Байрамда мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган Жамила Қосимова, Шарофиддин Остонақов, Ислом Бобоқонов, Бекмурод Хайридинов, Мухаммаджон Ашуров, Қўчқор Қурбоннов, Шерали Бегалиев, Хусан Муталов, Соҳиб Нуров, Сувон Мамадиёров ва Рўзимурод Тўраевларга

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Халқ ижодийети марказининг Фахрий ёрлиқлари ҳамда вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди.

Байрам иштирокчиларининг Навоий шаҳар санъат коллежи талабалари билан учрашуви ҳамда давра мулоқоти қизиқарли тарзда ўтди. Фахрийлар талаба ёшларни қизиқтирган саволларга ўзларининг тажрибалари асосида жавоб бердилар.

Нуржон НИЪЗОВА

## Биз ва дунё ҚАДИМИЙ ЎЗБЕК МАДАНИЯТИНИНГ КОРЕЯДАГИ НАМОЙИШИ

Сеулдаги Корея Республикаси Миллий музейида «Шарқ ва Ғарб тамаддуни чорраҳасида: Ўзбекистоннинг қадимий маданияти» кўргазмаси очилди. У Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Корея Республикаси Ташқи ишлар ва савдо, Маданият, спорт ва туризм вазирликлари кўмағида ташкил этилди.

Музейнинг Осиё кўргазмалари бўлими бош залига ёйилган экспозициядан Ўзбекистоннинг полеолит, неолит ва бронза даврларида оид бой тарихи ҳамда мероси ҳақида ҳикоя қилувчи 150 дан ортиқ экспонат жой олган. Кўргазма Жанубий Корея жамоатчилиги ва Сеул маданияти, санъати, урф-одад ва анъаналари билан яқиндан танишиш имконини берди. Кўргазманинг тантанали очилиш маросимида Жанубий Кореянинг ҳукумат, эксперт, академик ва ижтимоий доиралари, ушбу мамлакатда рўйхатдан ўтган хоржий мамлакатларнинг дипломатик ваколатхоналари вакиллари, шунингдек, маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Б.Сайфуллаев бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияси, Корея Республикаси олий ўқув юртлилари тахсил олаётган ўзбекистонлик талабалар иштирок этишди.

Корея Республикаси маданият, спорт ва туризм вазирининг биринчи ўринбосари Шин Че Мин ўз табрик нўқтида Ўзбекистон халқи ва музей жамоасини ушбу ноёб кўргазманинг очилиши билан самимий қутлади. У «Жанубий Корея ва Ўзбекистон илдизи узоқ ўтмишга бориб тақдирини маданиятлар алмашинувига эга бўлган қўшиқлардир. Бугунги кунда сийсий, иқтисодий ҳамда маданият соҳаларида Корея Республикаси ва Ўзбекистон муносабатлари изчил ўсиш суръатига эга, деди таъкидлади. Жаноб Шин кўргазманинг «Шарқ ва Ғарб тамаддуни чорраҳасида: Ўзбекистоннинг қадимий маданияти» дея ўзини хос номланганга эътибор қаратиб, жумладан, шундай деди:

— Ўзбекистон Ғарбий Осиё, Хитой ва Ҳиндистон ҳудудидан ўтувчи йўлларнинг чорраҳасида жойлашган Буюк Ипак йўлининг қоқ маркази саналади.

Ўзбекистоннинг кўна тарихи ва ранг-баранг маданиятини ўзида акс эттирган ушбу кўргазма Жанубий Корея билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларнинг келгуси ривожини учун пойдевор вазифасини ўтайди ва глобаллашув даврида икки томонлама маданият алмашинувини янада жонлантиришга туртки бўлади.

Ўзбекистонликлар ўз чиқишларида Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакиннинг шу йил Ўзбекистонга амалга оширган таширифи икки давлат ўртасидаги ҳамкорлигининг янги босқичига замин яратганини қайд этишди. Шу ўринда Жанубий Корея билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолати, ўз халқининг миллий қадриятларини кўз қорачиқдек асраш ва уни янада бойитиш йўлида давлатларимиз раҳбарияти томонидан биргаликда амалга оширилган саъй-ҳаракатларнинг натижаси эканлиги манунитет билан таъкидланди.

Корея Республикаси Миллий музейи директори Че Кванг Шиннинг айтишича, Ўзбекистон жойлашган Урта Осиё қадимий корейлар учун нотаниш улқа бўлмаган. 1965 йилда Афросиёб маданият ёдгорликлари орасида топилган деворга ишланган суратларда қадимий корейларнинг қиёфаси аққол тасвирланган, бу эса Жанубий Корея ва Ўзбекистон халқлари ва маданиятлари ўртасидаги яқин алоқалар узоқ ўтмишда ҳам мавжуд бўлганидан далолатлар. Шунингдек, музей директори кўргазма икки давлат ўртасидаги алоқаларнинг ривожланиши тарихини ўрганишга қўлай имконият яратишини ҳам таъкидлаб ўтди.

Кўргазма дипломатик корпус вакилларида катта қизиқиш уйғотди. Очилиш маросимида қатнашган Германия Федератив Республикасининг Корея Республикасидаги элчиси Х.Сайтнинг айтишича: «Ноёб археологик топилмалар, сопол буюмлар, зарғарлик безакларидан ташкил топган Ўзбекистон кўргазмаси кишида жуда яхши таассурот қолдиради. Бундай нодир топилмалар кўна маданият шайдолари ва европалик саёфдор эътиборини ўзига тортувчи Ўзбекистоннинг тарихи ва маданиятининг бойлигини гулдолик беради».

Музейнинг Осиё санъати бўлими бошлиғи Мин Бюнгхун ҳам таассуротлари билан ўртоқлашиб, ўзида Ўзбекистонга нисбатан энг ҳажжонли ҳиссиётлар уйғонганини айтди. «Дарҳақиқат, Шарқнинг энг ёрқин маданиятларидан бири сифатида Ўзбекистон маданиятининг намойиш этган ҳар бир экспонат жуда кам учрайдиган ранглар уйғунлигига ва ўзига хослик хусусиятига эгалиги билан ноёбдир».

Кўргазма, шунингдек, Жанубий Корея жамоатчилигида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Сангди университет профессори жаноб Квон Юн-Пил, жумладан, шундай деди: «Мамлакатларимиз орасидаги масофанинг узоқлигига қарамай, Ўзбекистон ва Корея Республикасининг ривожланиш тарихи узоқ асрларга бориб тақалди. Бунга VII аср ўрталарида Самарқанд ҳукмдори саройининг деворларига ишланган суратларда икки нафар корей сеп дипломатининг сурати акс эттирилгани ҳам мисол бўла олади. Ушбу деворий суратнинг бир парчасини биз Сеулда ўтказилган ушбу кўргазмада ҳам кўрдик. Аминанки, маъруз кўргазма Корея Республикаси ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларнинг янада ривожланиши ва мустақамлашшига ёрдам беради».

«Жаҳон» АА

Сеул

## Танловга марҳамат!

Ўзбекистон Бадий академияси ва Бадий ижодкорлар уюшмаси ўзбек адабиётининг атоқли намоянчаси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбекнинг Тошкент шаҳрида ўрнатилган ҳайкали лойиҳасини яратиш учун

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда профессионал ҳайкалтарошлар иштирок этадилар. Яратилган эскизларнинг ўлчамлари ва ашёси муаллифлар ихтиёрига ҳавола этилади.

Эскизлар ёзувчининг бадий сиймоси, руҳий-маънавий оламини ёрқин акс эттириши ҳамда юксак эстетик талаблар даражасида бажарилиши зарур.

Ғолиблар танлов ҳайъати томонидан аниқланади ва рағбатлантирилади.

Муддат: 2010 йилнинг 20 январигача.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 40-уй. Боғлашиш учун телефон: 253-34-97









### Шахмат гаройиб ўйин. Унинг заминидagi сир-синоат, сеҳру жоду ҳалигача тўла-тўқис очилмаган ва очилмасча ҳам керак. Балки шу боис у асрлар давомида ақлу заковат эгаларини, миллионлаб мухлисларни оҳанрабо янглиғ ўзига тортиб, ром этиб келаётгандир.

Бир замонлар шахмат нима ўзи, спортми, фаними ёки санъати деган баҳс-мунозаралар қизганди. Бу ҳақда мухлислардан бири шахмат бўйича Урта Осиёдан етишти чикқан биринчи ўзбек спорт устаси Мамажон Муҳитдиновга мактуб йўллаб, «Шахмат спорт ҳам, санъат ҳам бўлмасин, шахматлигича қолаверсин» деган ва унинг бу самий, тўғри эътирофи устозга маъқул тушган эди.

Тўқис мантук дарсининг ўрнини босар экан. Шу боис жуда кўп мамлакатларда шахмат дарс сифатида ўқитилади. Шахматга жиддий қизиқадиган болаларнинг бошқа фанларни ҳам яхши ўзлаштириши кузатилади. Бекиёс тарбия вобитаси бўлмиш шахматнинг ибратли жиҳатлари ҳақида кезикс гапириш мумкин. Енгил галабани кўзлаб, рақибни менсимасангиз, албатта, жазола-маъқул тушган эди.

### Шодмон ОТАБЕК



насиб. Шахмат хотирани мустаҳкамлайди, иродани тоблайди, ўзига ишончини орттиради, ҳаётлот уфқини кенгайтиради, хато-лардан тўғри хулоса чиқаришга, қийинчиликларни чора-тадбир билан енгиб ўтишга, сабр-тоқатли бўлишга, ҳар бир қадамни ўлчаб босишга, вақтдан унумли фойдаланишга (ақл ҳолда ҳейтот — вақт танглигига тушиб қолиш мумкин), вазиятга, ҳаётий воқеа-ҳодисаларга тўғри қарор қабул қилишга ўргатади. Бу эса жуда муҳим. Биринчи рус жаҳон чемпиони Александр Алёхин «Мен шахмат воситасида ўз характериمنى тарбияладим» дея беҳиз эътироф этмаган.

лик беришчи, кейинчалик улар ўртасидан қора мушук ўтиб қолган. Шунга қарамай, улар бир-бирининг истеъдодига юксак баҳо беришган. Шахмат барибир холисликка ўргатади-да. Карпов билан Корчной ёки Карпов билан Каспаров муносабатларининг совуқлашгани кўпчиликнинг эсида. Афсуски, бундай инсоний ожизликлар шахмат ривожига хизмат қилмайди.

Чемпионларни кўя турайлик, бу борада хом сут эмган оддий мухлислар ўйинида қандай гаройиботларни кузатиш мумкин? Қизиги шундаки, шахматда галайти бир руҳий ҳолат мавжуд — кўпинча ўзинг оdatланган, ўйин услуби ўзингга яхши маълум бўлган ва кучлар нисбати ҳам даярли тенг бўлган рақибинг билан ўйнаганиг келаверади. Мабодо шундай рақибингдан устун келсанг, худди жаҳон чемпиони



Чемпионлиги мусобақаларида рақибларнинг бир неча кишидан иборат тренер, секундантлари бўлар, кечиктирилган ўйинларни тонг отгунча ҳар бир жамоа муҳокама қилиб чиқишар эди. Узаро суҳбатларимиздан бирида Мамажон Муҳитдиновга бу ҳолатнинг ҳалол спорт курашига зид эканини айтсам, устоз фикримга қўшилмаган эди. Мана энди ўша қойдалар бекор қилинди. Аммо ахборот технологиялари ўта ривожланиб кетгани боис, муаммонинг бошқа жиҳатлари маълум бўлиб қолди. Рейтинги энг баянд гроссмейстерларни ҳам бемалол ютадиган компьютерлар пайдо бўлди. Расмий мусобақаларда ўша компьютерларнинг ёрдамини бартараф этиш муҳим муаммо бўлиб турибди. Крамник-Топалов матчида россиялик шахматчининг тез-тез ҳолатига бориши болгариялик гроссмейстерларга сабаб бўлганлигини мухлислар эсласча керак.

Узбек курашининг оламшумул довуғи туфайли «Халол» сузи ҳамма тушундиган халқор атамга айланб қолди. Менимча, бу сузи спортнинг ҳамма турига бош шир қилиб олиш керак. Зеро, ҳаётнинг, турмуш-турмушимизнинг маъно-мазмуни биргина ана ўша пурҳикмат сузда ҳам мужассам бўлиб турибди.

Шунда ҳалиги ходимники ҳам тутиб кетди. «Илтимос, уқажон, шунги охиригача ўйнаб олайлик, барак топинг. Кўриб турибсиз — ютиб турибман, агар бузворсангиз...алам қилди!»

Гарчи ўша ўйинни давом эттириб, ютсам-да галаба менга татимамди. Чунки шахматни хо-тирамдан ўйнаш керак.

Шахматни бир лаҳза спорт деб фароз қилсак, у ўйинлар ичида энг ҳалолли дейиш мумкин. Бунда футболдаги каби оёқдан чалиш, ўн бир метрлик жарима йўқ. Шундай бўлса-да, расмий мусобақаларда ҳакам тайинланади. Гоҳо низоли муаммолар туғилиб қолади. Шахмат икки рақиб ўртасидаги ҳалол кураш, ўйин тақдирини ҳам ўша икки киши хал қилиши керак, бошқаларнинг четдан аралашishi мумкин эмас. Мухлисларнинг эсида бўлса, илгари жаҳон

## ЯНГИ КИТОБЛАР

### «Жозоба сеҳри»

Устоз адиб, Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло асарлари кўплаб адабиёт мухлислари қалбидан муносиб жой олган. Унинг серқирра ижоди, шеърини ва насрий асарлари кўриб бормаган ўзбек хонадони кам. Яқинда «MERIYUS» нашриётида чоп этилган «Жозоба сеҳри» номли китобга адиб ижоди кенг қўлама таҳлил этилади. Шоир ижодига бағишланган «Урбоқўйлик» номли китобнинг («Ёзувчи», 2001 йил) мантқиқий давоми сифатида дунё юзини кўрган мазкур тўпламда замондош адиблар, адабиётшунослар, санъат соҳаси вакиллари, чунончи, Расул Ҳамзатов, Қайсин Қулиев, Римма Казакова, Мустай Карим, Татяна Кузнецова сингари жаҳонга машҳур шоирларнинг адиб ижоди ҳақидаги мақолалари, эссе ва бадиалари, адабий ёзишмалари, худлас, тўқсондан ортқ бадиий-публицистик мақолалар жамланган. Китобни тўплаб нашрга тайёрловчи — Асрор Самал, муҳаррирлар Юсуф Бердиев ва Эркин Юсупов.



### «Ўзбек халқ эртақлари»

Болажонларга совға улашиш пайти — Янги йил байрами арафасида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси яна бир хайрли ишга қўл урди. Нашриёт кичиктилолар учун энг яхши тўхфа ҳисобланган «Ўзбек халқ эртақлари» тўпламини нашрдан чиқарди.

Ҳаммамиз учун сеvimли бўлиб қолган, болалик давримизнинг бир парчаси сифатида юрагимизда асраб келаётган «Ур тўқмоқ», «Зумрад ва Қиммат», «Олтин тарвуз», «Подшо ва тўти», «Чалпақ еққан кун» каби бир-биридан ажойиб, сеҳрли воқеаларга бой эртақларимиз энди янада сифатли, рангли-безакли кўринишда китоб жа-волларимиздан ўрин олади.

Мазкур тўпламнинг ўзига хослиги шундаки, болажонларимиз уни бирийўла ўзбек, рус ва инглиз тилларида ўқиши мумкин. Китобдаги эртақлар мазмунига мос, маҳорат ва дил билан ишланган расмлар ҳам болажонлар кўнглини хушнуд этади.

Тўпламни ва расмлар муаллифи Ҳусан Содиков, муҳаррир Эркин Маликов. Адади — 10000 нусха.

### «Паришон»

Ўзининг «Қоракўз», «Лирика» каби шеърини тўпламлари билан мухлислар қалбидан жой олган шоир Уткир Хидировнинг «Tamaddun» нашриётида чоп этилган навабдаги китоби ана шундай номланган. Шоирнинг асар халқ охаңларида битилган, кўнглига яқин тўғиларни таран-нум этуви шеърлари киши кўнглига тез юқади. Айниқса, китобдан жой олган «Мингта шерим», «Қачонлардир», «Емғирли тун», «Яна севги» каби гўзал лирик намуналар худди сезингиз ҳам тилингиз учиде турган иззорлардек туюлади.


«Паришон»ни ўқир экансиз, шоир ижодидаги айрим ўзгаришларни пайқайсиз. Мулфифнинг аввалги китобларида муҳаббат, ҳижрон, ёлғизлик каби ҳис-туйғуларни кўйлаш кўпроқ кўзга ташланса, бу галги тўпламда шоир ижтимоий руҳдаги анча пухта шеърларни мухлислар ҳужмига ҳавола этади. Муҳаррир Ҳ.Абдиев. Адади — 3000 нусха.



## Чойхона ҳикматлари

### Отинг бўлсин чопагон,

### Ўғлинг бўлсин топагон.



### ХУР ВАТАН

Оҳки ишқ айлади шайдо мени,  
Солди жунун кўйига савдо мени.  
Алишер НАВОЙИ

Юртга шайдо айлади тақво мени,  
Нурга ошно айлади дарё мени.

Хуррият гузариди сайр эътило  
Талқил этди Тоҳиру Зухро мени.

Ташнадирман оразиннинг васлига,  
Ашир этмиш бир сули зебо мени.

Чин муҳаббат ҳаждида кўлар ўзи —  
Қодир Алоҳ ҳукми-ла доно мени.

Мен-ку ҳижрон даштида сарғаштаман,  
Сутуб шом эъзадади сахро мени.

Ҳақни айтсам, норасолар тўдидлар,  
Чор тарафдан қурнамши гаёго мени.

Сенга дунё давлати бўлсин ҳабиб,  
Тонди ишон таштида ошно мени.

Эй Замоний, толенгидор хур Ватан,  
Забтига тортолмай тилло мени.

### ШАҲДОЛАРИНИ ЎЙНАТИБ

Келди қошмаме нигор Шаҳдоларини ўйнатиб,  
Кўда райхон, лолаю рашноларини ўйнатиб.

Бир кўриб дил саҳидор тўкми буткул ғунҷозор,  
Силқиса суздай ушал барноларини ўйнатиб.

Турфакам жавлон урардор жонналиқнинг қасонда,  
Ҳар аро ошқларининг зеболарини ўйнатиб.

Ё самодо ўйнағай юлдуз мисоли парираб,  
Ё фазо Тоҳирларини Зухроларини ўйнатиб.

Ҳам заковат оламан доноларини ўйнатур,  
Ҳар саоват илму фан доноларини ўйнатиб.

Хур элим гузариди сайрон этур гуллар териб,  
Дарёда шухшанг мудоом ошқларини ўйнатиб.

Бу жаҳон ҳусну жамол бўстонидан бермиш сабоқ,  
Чин милоҳат баҳсида Лайлоларини ўйнатиб.

Кетди у куйдормажон ошқ қоракка ўт ёқиб,  
Йўллариди шитзор шайдоларини ўйнатиб.

Бир умр қалбимиз ёрғин, эй Замоний, ўйнатур,  
То абад мафтун этур шаҳдоларини ўйнатиб.

### ҚАТРАЛАР

Нозиманинг иштаҳаси бўлмай...  
Хола фазил бўлиб кетди:  
— Ол, Нозима. Пойма-пой га-  
лим курсин!

Кўлга олган кабобин қайтариб  
газетага қўйган Нозиманинг иш-  
тахаси ғишпа бўйланган. Хола-  
нинг юпанч суълари дарз кетган  
кўнгил ойнасини бутунлашга  
энди ожизлик қиларди.

— Бир кийим биттунча инганинг  
орқасидан қанча йўл босаман. Бу  
йўлда гоҳ бушашиб, гоҳ таран тор-  
тиламан. Инганинг хизматини рўёб-  
га чиқарсам-у, у мендан юқорни тур-  
са... — леда алам билан Ип.

— Бир ҳисобда эътирозинг  
тўғри, — дейишди Ипга, — бироқ  
итга бош уриб, сенга йўл очиб тур-  
маса, ўзингча юра олмаслигининг  
ҳам ўйлаб, фикр қилишинг керак.

Бунинг исботи учун ҳаракатда-  
ги итгани бир зум тўхташган  
энди, ип қадёққа юришини билмай,  
чуваланиб кетди.

Аввал ўйла, кейин суъба, деган-  
лари шумкан!?

«Shikrona-Azim-Savdo» хусусий кор-  
хонаси туратингилни маълум қилди.

Тошкент Давлат Иқтисодий Универ-  
ситети томонидан 2006 йилда Хасано-  
ва Азиза Хасановна номига берилган В  
№262216 сонли бакалавр дипломи  
Йўқолганиги сабабли БЕКОР ҚИЛИ-  
НАДИ.

«УЗАС»нинг 2009 йил 6 апрел №45  
сонда Тошкент фардидалик институт  
томонидан Ҳамроев Акмал Амонович но-  
мига берилган дипломини йўқолганиги  
ҳақидаги эълон БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Юнусовод тумани-  
даги Ўзбек-Турк Анадули меҳмонхона  
ҳўжалиги ва туризм касб-хунарий лицей  
томонидан 1998 йилда Раҳимов Дур-  
дона Комилова номига берилган АС-  
087133 сонли диплом йўқолганиги са-  
бабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерный диплом №009059 шы-  
данний 10 июля 1998г. Бизнес шы-  
лоу №3 на имя Симанова Анна Васильевна  
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Частная фирма «Sharq XFS» соо-  
бщает о измене юридической статусе на  
общество с ограниченной ответ-  
ственностью ИИН- 201125225.

Утерные документы на квартиру  
по адресу: Мирабадский р-н, ул. Фер-  
гана Юли 2-й переулок дом 121 кв 32-  
пан квартира, -госордер права соб-  
ственности на имя Корольова Ивана И-  
копалевича выданные Мирабадским БТИ  
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

### КЎНГИЛ

Она у билан кучоқлашиб кўришди,  
Сўнг ўриндиққа қоғоз ёзиб, ик-  
кита нон орасига олинган кабобни  
қўйди.

— Олинглар, совимасин!  
Собира кабобдан икки-уч зағзи-  
на еди.

— Ол, еб қўйгин. Сени қорнинг  
оч, — леда-да, кабобнинг қолга-  
нини палатадошига илинди. Шу  
вақт сумкасида олма, анор солин-  
ган пакетни олаётган онаси қизига  
чимирилиб қаради:

— Сенга олиб келсам-у... Мунча  
тортинмасан!

— Боя Нозиманинг онаси олиб  
келган ошдан тўйиб еб олгандим.

Она у билан кучоқлашиб кўришди,  
Сўнг ўриндиққа қоғоз ёзиб, ик-  
кита нон орасига олинган кабобни  
қўйди.

— Олинглар, совимасин!  
Собира кабобдан икки-уч зағзи-  
на еди.

— Ол, еб қўйгин. Сени қорнинг  
оч, — леда-да, кабобнинг қолга-  
нини палатадошига илинди. Шу  
вақт сумкасида олма, анор солин-  
ган пакетни олаётган онаси қизига  
чимирилиб қаради:

— Сенга олиб келсам-у... Мунча  
тортинмасан!

— Боя Нозиманинг онаси олиб  
келган ошдан тўйиб еб олгандим.

МУАССИСЛАР, ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ  
ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

ПОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
ХОМИЯ: «МАЪБУУТ ТАРҚАТУВЧИ»  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Бош  
муҳаррир  
Аҳмаджон  
МЕЛИБОВ

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32  
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:  
Котибият — 233-81-52 info@uzas.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санаат бўлими: 236-56-48  
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55 Назм ва наср бўлими: 233-49-93

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмақонаси.

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.50

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам билан  
рўйхатга олинган. А — 4193. Буюртма Г — 1148. Ҳажми — 5 босма тақоб.  
Нашр кўрсатиши — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 6 7 8

ЖУМА  
КУНЛАРИ  
ЧИҚАДИ.  
СОТУВДА  
НАРХИ  
ЭРКИН